

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОМПЕТЕНТЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

А. Ш. Мусаев

Янги аср университети

Жаҳонда таълим ва илмий тадқиқот олий таълим муассасаларида етук мутахассислар тайёрлаш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш индекси (ICT Development Index) ни ошириш таълим сифат даражасини янги босқичга кўтариш, бўлажак дастурчиларни математик компетентлигини ривожлантириш, Рақамли таълим муҳитида ўқув натижаларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш, таълим компетенциявий ёндошувларни тадбиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борилмоқда. Шу билан бирга бўлажак ўқитувчиларни лойиҳалаш, моделлаштириш, дастурлаш касбий компетентлигини ривожлантиришнинг таркибий, тузилмавий модулини такомиллаштириш, рақамли таълим муҳитида касбий компетентлигини ривожлантириш, замонавий дастурий воситаларни таълим жароёнига кенг татбиқ этиш, талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага алоҳида мослаша оладиган ўқув материални яратиш, ҳамда индивидуал таълимни лойиҳалаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бўлажак ўқитувчиларларни тайёрлашда касбий-методик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантиришнинг методлари ва воситаларига тўхталиб ўтдик. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-методик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш таълим олишнинг ҳамкорликдаги ва индивидуал тарздаги шакллар, мустақил таълим олишнинг адекват методлари, ўқув мақсадига кўра технологик жараёнларда ва техник объектларни қўллашда, мустақил таълим жараёнидаги кўринишлари илмий асосланди. Касбий-методик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантиришнинг асосий омили бўлиб, мустақил таълимни ташкил этиш методлари ҳисобланади.

Мустақил таълим шахснинг ривожланишида асосий омил бўлиб, унинг келгуси фаолиятида мустақил ишлай олиш хусусиятларини тавсифловчи ҳамда касбий компетентлигини шакллантирувчи бўлиб хизмат қилади. Мустақил таълим мазмуни меҳнат характерида бевосита эмас, балки билвосита таъсир этиб, мустақил таълим учун имконият топа олишига боғлиқ бўлади. Мустақил таълим талабанинг келгуси фаолияти давомида ўз йўлини белгилашининг воситаси бўлиб, талаба ўз имкониятларини баҳолай олишига сабаб бўлади. Талабада аниқ ифодаланган эҳтиёж сезилмаса-да, бироқ ҳар бир инсонда албатта, ўзини қониқтиришга, намоён этишига, ўзининг мавжудлигини намоён қилишга бўлган нобиологик эҳтиёж мавжуд бўлади.

Бўлажак ўқитувчи ўз билимини мустақил ошириш фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириши ва бу мақсадга эришиш учун қуйидаги шартларга риоя қилиши керак.

1. Ўз билимини мустақил ошириш мазмунини талаба мутахассислиги бўйича педагогик амалиёт ўтаётган таълим муассасасидаги аниқ шароитларга, амалиётнинг шароитлари, талабларига мослаштириши керак.

2. Бўлажак ўқитувчи маълум мақсад асосида ва муайян тартибда ўзида қуйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак:

- талабаларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини ҳисобга ола билиш;

- талабалар билан эмоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий, ахлоқий ва амалий фаолияти томонларига фаол таъсир этиш.

3. Талаба умумий касбий фанлари бўйича саволлар рўйхатини мустақил ўрганиб чиқиши шарт.

4. Талаба ўзининг педагогик маҳоратини ошириш устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўллари танлаб олиши керак.

5. Талаба аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал ҳолда ёки жамоа билан бирга ўз билимини ошириш шаклларида фойдаланиши, амалий машқлар бажариши мақсадга мувофиқ.

6. Талаба ўз билимларини оширишни доимий ижодий изланишлар тарзида ташкил этиш ва маълум мақсадга йўналтириши зарур.

Бунинг учун у:

- ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиши;

- ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик, психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эса тутиши лозим.

Ҳозирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари бўлажак ўқитувчиларларни тайёрлашда мустақил ижодий фаолият кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг муҳим омили эканлигига эътибор қаратишмоқда. Улар муаммоли суҳбат(изланиш характеридаги саволлар ёрдамидаги суҳбат)дан кенг фойдаланиб, талабаларнинг тайёр кўрсатма ва тавсиялар олмасдан, топшириқ ҳамда вазифаларни мустақил ижодий бажаришларига замин яратмоқдалар.

Мустақил таълим талабаларда: шахсий, касбий, индивидуал хусусиятларни намоён этиш; касбий компетенцияларни шакллантириш; умумкасбий ва ихтисослик фанларига оид компетенцияларни режалаштириш; ўқув топшириқларини тартибга солиш ва назорат қилиш учун онгли равишда фойдалана билиш; ижодий қобилиятларини ривожлантиришга асос бўлади.

Бўлажак ўқитувчини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш яхлит педагогик жараён бўлиб, у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- талабаларнинг мустақил таълим ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш, назарий ва амалий билим олиш фаолиятини таҳлил қилиш, мустақил таълим олиш кўникма ва

малакаларини ўрганиш асосида уларга мустақил таълим олишнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти тўғрисида маълумот бериш;

- талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжи ва унга таъсир кўрсатувчи психологик омилларни ўрганиш, мустақил таълим мазмунини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган мустақил таълим мазмуни асосида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида мустақил таълим олиш ўқув юктамалари ҳамда вақт меъёрларини аниқлаш;
- дидактик жараёни амалга ошириш мақсадида мустақил таълимнинг ташкилий шакллари, самарали метод ва воситаларини танлаш;
- таълим мақсадини амалга ошириш учун талабаларнинг мустақил таълим олишга қизиқиш ва эҳтиёжларини эътиборга олиб, муайян мавзулар бўйича топшириқлар, ишланмалар, тавсиялар ишлаб чиқиш;
- талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- талабалар мустақил таълимини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- талабаларда мустақил таълим олиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик даражасини баҳолаш.

Ўз-ўзини бошқара олишига кўра – ижодий жараёни ташкил эта олиш қобилияти, ўз фикрларини зарур йўналишда бошқара олиш, янги ечимлар, ғоялар топиш имконини берувчи манбаларга интилиш, ўз ижодий фаоллигини таъминлаш учун мустақил равишда шароит ярата олиш, касбий ривожланиш имкониятларини аниқлаш, назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил таълим олишда замонавий техника ҳамда технологиялар имкониятларидан фойдалана олиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Юзликаева Э., Мадьярова С., Янбарисова Э., Морхова И. Теория и практика общей педагогики. Учебник. – Т.: ТГПУ, 2014
2. Маматов Д.Н. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш, Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2017 й., 52 бет
3. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: пед.фанл. бўйича докт. (DSc) ... дис. – Т.: 2019. – 25-41-б.
4. Уразова М.Б. Становление готовности будущего учителя к проектированию и педагогических технологий. Ташкент: Фан, 2007. – 138 с.